Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 156 (3657)
12 ЧОРШАНБА
ИЮЛЬ 1978 Й.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛИ ПЛАНИ — СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГАЧА

Меҳнат календарида — 1982 йил

Тўқувчи Вера Солдатова 6 йиллик топшириқни бажарди

Яқинда Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Вера Ивановна Солдатова беш йиллик бошидан бери 1950 минг метр миткаль, «ягодка» ва дока топширди. Бу хабарни тўқувчилар қувонч билан кутиб олишди. Ҳамкасблари донгдор ишчини 6 йиллик топшириқни бажарганлиги билан табриклашди. Эндиликда, Нина Васильевна Ершовадан кейин у 1982 йилга ҳисоб очди.

Вера Ивановна тўққизинчи беш йилликдаёқ хизмат кўрсатиш зонасини икки баравар кенгайтирди — саккизтага етказди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. П. Казанцева сингари, 24 станок ўрнига 48 та станокка хизмат кўрсата бошлади. Бу унга беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш имконини берди.

Ўнинчи беш йилликда меҳнат илғори меҳнат унумдорлигини юксалтиришнинг янги имкониятларини қидирди. В. Солдатова узоқ вақт 66 станокка хизмат кўрсатди. Ҳозир эса у мунтазам 56 станокда ишлаяпти.

Илғор ишчи мунтазам маҳсулот сифатига эътибор беради, газлама сифатини тез-тез кўздан кечиради, танда ва кронкаларни мунтазам кўзатиб, ундаги арзимас нуқсонларни ҳам тузатади. Шунинг учун ҳам тўқувчи маҳсулотининг деярли ҳаммасини биринчи сортга топширади. Тўқувчи бунга юксак маҳорат туфайли муваффақ бўляпти.

Муваффақиятни кўлга киритишда мастер ёрдамчиси Вадим Коростелевнинг ҳам катта хизмати бор. У ускуналарни юксак техник ҳолатда сақлайди. Тўқувчи ҳам кўп, ҳам сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши учун барча имкониятларни яратади. Назоратчилар Вера Ивановна топширган газламадан нуқсон топишолмайди. Унинг станогидан туширib олинган «ягодка»ларни пардозчилар фахрли беш қиррали белги билан истеъмолчиларга жўнатишади.

Вера Ивановна Солдатова мусобақа пешқадами Нина Васильевна Ершова сингари беш йилликда 12 йиллик нормани бажаришни мўлжаллаяпти.

«Тошкент оқшоми» коллектив мухбири — «Тўқимачилар овози» газета редакцияси.

● БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Самарали ёрдам

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми материалларида шаҳарлар ва саноат марказларининг қишлоққа берадиган оталиқ ёрдамини янада кучайтириш, тажрибаларни кенг ёйиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Пойтахтимиздаги бошқа саноат корхоналари қаторида агрегат заводи партия комитети ҳам Пленумнинг ана шу гоят муҳим кўрсатмасини изчил амалга оширишга киришган режаларни белгилади.

Аввало, корхонада ўнинчи беш йиллик режалари барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилаётганини таъкидлаш керак. Беш йилликнинг ўтган икки ярим йили ичида планга қўшимча 905 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. Бу эса бир неча минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ва агрегатларни корхона ўз оталиғига олган Сирдарё область «Оқ олтин» районидаги кўпгина хўжаликларга юбориш имконини берди. Корхона ишчилари қишлоқ меҳнаткашларига асосан ўнлаб редукторлар, «олдинги кўприк» ҳамда зарур деталлар тайёрлаб жўнатмоқда.

— Қишлоққа оталиқ ёрдамини кучайтириш масаласи партия комитетининг доимо диққат марказида турибди, — дейди корхона партия комитетининг секретари И. Усмонов.



КОНКУРС ҒОЛИБИ

БУГУН

Тошкентда ўтказилган «Энг яхши киномеханик» деган ном олиш учун анъанавий республика конкурсининг голиблари эълон қилинди. Ана шу касбнинг мутасаддилари аппаратларни ишга созлаш, кинолентларни тиниқ ва сифатли кўрсатиш бўйича маҳоратларини намойиш қилдилар. Конкурснинг дастлабки турида киномеханиклар «Энергетика» маданият саройининг кўчма киноустановкаларида ўтказилди.

Тошкент тўқимачилик комбинати маданият саройининг киномеханиги К. Степанов, «Энергетик» маданият саройининг киномеханиги И. Ш. Кўканов ана шу конкурснинг голиблари бўлдилар.

Тошкент кўн-галантерия фабрикаси 1978 йилда 80 хил моделдаги кўн-галантерия буюмлари — хўжалик, йўл ва спортчиларнинг турли сумкалари; қўлқоплар, тасмалар, «дипломат» папкалари, жами 8 миллион сўмлигидан зиёд кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаради. Корхонанинг бир қатор буюмларига Давлат Сифат белгиси берилган. Сиз ушбу суратда мазкур корхонанинг илғор ишчилари Полина Песцова ва Тамара Шамсиеваларни кўриб турибсиз. Пешқадамлар беш йилликнинг уч йили топшириғини СССР Конституциясининг бир йиллигигача бажаришга аҳд қилишган.

Пойтахтимизнинг бир куни

● *Йиллик план — муддатидан илгари*

АВГУСТ ОЙИ ҲИСОБИГА

Беш йилликнинг учинчи йилида Ўзбекистон карлар жамиятининг учинчи ўқув ишлаб чиқариш комбинати коллективи муваффақиятли меҳнат қиляпти. Меҳнат бир маромда ташкил этилганлиги туайли корхона меҳнаткашлари маҳсулот ишлаб чиқариш графикдан уч ҳафта илгарилаб кетишди.

БУГУН

Коллектив йил бошидан бери 2.350 минг сўмлик буюм реализация қилиб, август ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Мусобақада тикувчи-мотористкалар Дилдан Лазиз Азимов, Александр Благинин, Муаззам Исроилова, Матлуба Баҳодирова каби тикувчи - мотористкалар катта муваффақиятга эришишди. Улар куни-кеча шахсий беш йиллик топшириғини бажарганликлари ҳақида рапорт беришди ва 1980 йил охирига ча яна бир беш йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилишди.

Тикувчилар Мария Пономарёва, Насиба Нуритдинова кабилар ҳам 1980 йил ҳисобига меҳнат қилишяпти.

Меҳнат унумдорлигининг юксалишида ҳар бир иш жойида ишнинг юксак суръатда бўлиши ва меҳнаткашларнинг юксак маҳорати билан бирга, мавжуд техникадан тўлиқ фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўляпти.

Ленин комсомоли юбилейи шарафига

БУГУН

Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти студентлари учун учинчи меҳнат семестри бошланди.

— «Комсомолец», «Интернационал с т», «Зарбдор», «ВЛКСМ XVIII съезди» деган сўзлар отрядларимизга ном қилиб берилган,— дейди институт қурилиш отряди штабининг бошлиғи Йўлдош Бакиров. Шу нарсани қувонч билан айтиш мумкинки, ана шу отрядларда қизлар ҳам ўзларининг муносиб ўриндошларини эгаллашди. 1250 бундеқор жангчи мамлакатимиз ва шаҳримизнинг турли қурилишларида олиб бориладиган бунёдкорликда қатнашаяпти. «Зарбдор» ва «Салют» деган отрядлар Қозоғистон ССР нинг Мангишлоқ областига жўнаб кетишди. Бугундан бошлаб йилдан йилга ва қизлар «Главташкентстр о й» системасида ва қишлоқ хўжалиги ишларида ўзларининг юмушларини бошладилар.

Ўтган йили институтимизнинг ёшлари ардагулик ишларни бажаришган эди. Улар шаҳарлари 93 та отряд билан мусобақалашиб, учинчи ўринни эгаллашган эди. Бу йил ВЛКСМнинг 60 йиллиги шарафига ўз зиммасига социалистик мажбуриятни олган институтнинг қурилиш отряди коллективи бир неча юз минг сўмлик қурилиш ишларини бажариш объектларга 50 кун меҳнат қилишга бел боғлашган.

«Лингвист» деб аталган отряд эса Ленинград, Киев, Харьков Красноярск ва бошқа шаҳарларда ишлайди.

● ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА — КЕНГ ИЎЛ

ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛДА

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи ўнинчи беш йиллик топшириқларини ado этишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу ерда ҳар йили замонавий кийимкечакларнинг янги-янги моделлари ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Корхонада ўтган тўққизинчи беш йилликда 330 дан ортиқ янги модел ўзлаштирилган эди. Бу беш йилликда эса ушбу рақамнинг янада салмоқли бўлиши кутилмоқда.

Ҳозирги пайтда корхона цехларида тайёрланаётган жинси газламалардан тикилаётган буюмлар харидорларга манзур бўлмоқда. Яқинда ўзлаштирилган янги полотноннинг бир қатор авзалликлари бор. Бу полотно тезда киришиб кетмайди, ўзининг фусункорлигини йўқотмайди. Бирлашма коллективи ана шу янги материалдан эркакларнинг жемперлари, сафофанлар, шортлар тайёрлаб савдо ташкилотларга жўнатди.

Бу ерда ҳар йили 13 миллион дона устки трикотаж буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

● *Қурилиш майдонида*

КОМПЛЕКС ҚАД КЎТАРМОҚДА

Студентлар шаҳарчаси томонда Тошкент медицина институти янги корпуслари қурилишида бинокорлик ишлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Қурилишнинг бош пудратчиси Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 6-қурилиш трести 7-қурилиш бошқармасининг бинокорлари бу ерда зарбдорона меҳнат қилишяпти.

БУГУН

бошқарманинг Ж. Холбоев, А. Кириенко раҳбарлигидаги комплекс бригадаларининг аъзолари 330 беморга мўлжалланган хирургия корпуси қурилишида сўнгги қурилиш-монтаж ишларини тугаллашди.

Объектда Пардозлаш трести 29-қурилиш бошқармасининг жилокорлари ҳам графикдан ўзган ҳолда ишлашяпти. Қурувчилар бу объектни шу йил охирига қадар битказиб, медикларга туҳфа этишади.



«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи беш йилликнинг учинчи — зарбдор меҳнат йили учун олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун нун сайин социалистик мусобақа байроғини баланд кўтармоқда. Сиз ушбу суратда бирлашма 2-цехининг илғор тикувчиси, комсомол аъзоси Венера Канзафарована кўриб турибсиз.

И. Шоинагомов фотоси.

● ВАҚТДАН ЎЗГАНЛАР

МУРАББИЙЧИЛИК УСУЛИДА

Ураллик бинокорларнинг «Бригаданинг беш йиллик топшириғи кам ишчи кучи билан бажариладн» ватанпарварлик ташаббусига Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 6-қурилиш трестининг бинокорлари ҳам қўшилишган. Трестнинг 13 та бригада коллективи ана шу ташаббусга қўшилган ҳолда ишлаб, кун сайин мавффақиятларни қўлга киритишмоқда.

7-қурилиш бошқармасининг В. Ситников бошлиқ комплекс бригадаси тўрт ишчисини бошқа бригадага ўтказган эди. Ҳозир бригада коллективида қурувчилар сони кам бўлсада, юқори унумдорлик ва сифатга эришяпти. Ярим йиллик план 175 процентга адо этилди. Студентлар шаҳарчасида Тошкент политехника институтининг янги корпуси қурилишида меҳнат қилаётган бригаданинг Ш. Зокиров, Б. Шамшетов, А. Терентьев каби аъзолари тез ва сифатли меҳнат қилишда ҳамкасбларига ўрнак кўрсатишмоқда.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Злобининнг бригада пудрати методи бўйича иш олиб бораётган коллектив СССР Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигигача беш йилликнинг уч йиллик топшириғини бажаришга қарор қилган.

ФОЙДАЛИ ТАДҚИҚОТ

БУГУН

республика геология министрлигининг Ўрта Осиё геология ва минерал хом ашёси илмий-тадқиқот институтида Ўзбекистон территориясида қадимий вулканларнинг хусусиятига доир уч йиллик кузатишлар ниҳоясига етди.

Геология фани учун аҳамияти бўлган тадқиқотларни олиб боришда геология-минералогия фанлари кандидати В. А. Арапов раҳбарлигидаги В. П. Коржаев, В. В. Михайлов, Ю. Ф. Перепелицин, П. А. Анкудовчилар самарали ишладилар. Улар ўзларининг тадқиқотларида вулқон-тектоника структураси фойдали қазилма бойликларининг пайдо бўлиш қонуниятларига доир тадқиқотларини аниқладилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Газеталарда «КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Минскда сўзлаган нутқида берган кўрсатмалари ва тавсияларини бажариш борасида республика партия ташкилотнинг вазифалари тўғрисида, план интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва унинг ўсиш суръатларини ошириш, иқтисодий тежамкорликни бутун чоралар билан кучайтириш, барча бўғинларда хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш тўғрисида» республика партия активи йиғилишининг 1978 йил 10 июлдаги қарори эълон қилинган.

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 11 июлда Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Вьетнам Социалистик Республикаси Бош министрининг ўринбосари, Давлат план комитетининг раиси Ле Тхань Нгиви қабул қилди.

ЎҚУВ ЯКУНЛАНДИ, ТАЖРИБА АЛМАШИНДИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин раислигида меҳнаткашлар иқтисодий таълими бўйича шаҳар советининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари 1976-1978 йилларда советнинг перспектив иш плани бажарилишининг якунларини кўриб чиқишди. Ўзаро тажриба алмашишди. навбатдаги вазифаларни муҳокама қилишди

Республика Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг корхона ва ташкилотлар раҳбар кадрларининг пропагандистлик ва лекторлик ишидаги иштироки тўғрисида министрлик партия комитетининг секретари Р. А. Железняк гапириб берди. «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида махсулот сифатини комплекс бошқариш системасини жорий қилиш юзасидан иқтисодий таълим советининг фаолияти тўғрисида корхона бош экономисти А. М. Готфельд сўзлаб берди. «Главташпассавторанс» бошқармасининг бошлиғи Ж. А. Шорахмедов шаҳар автотранспорти корхоналарида иқтисодий таълим ўқувининг самарадорлигини ошириш бўйича ва лекторлик ишидаги иштироки тўғрисида министрлик партия комитетининг секретари Р. А. Железняк гапириб берди. «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида махсулот сифатини комплекс бошқариш системасини жорий қилиш юзасидан иқтисодий таълим советининг фаолияти тўғрисида корхона бош экономисти А. М. Готфельд сўзлаб берди. «Главташпассавторанс» бошқармасининг бошлиғи Ж. А. Шорахмедов шаҳар автотранспорти корхоналарида иқтисодий таълим ўқувининг самарадорлигини ошириш бўйича ишни такомиллаштириш тўғрисида шу вақтгача хеч нарса маълум эмаслигини таъкидлайди.

Чилли ҳунтаси, деб ёзади газета, ўзининг кўплан-кўп жиноятлари учун қасос олинишидан қочиб қутила олмайди. Бунинг боиси шуки, бебошликнинг жонли гувоҳлари бор. Бунинг боиси шуки Чилида фашист режимига қаршилик кўрсатиш ҳаракати ўсиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Бу ҳаракат бутун жаҳонда актив қўллаб-қувватланмоқда.

Жамиятнинг самарали фаолияти

Киров районидаги бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари ва муассасаларида КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» китоблари бўйича ўқувчиларнинг конференциялари бўлиб ўтди. Уларда сўзга чиққан нотиқлар ана шу иккала асардан олган жуда катта бой таассуротлари, китобларнинг катта аҳамиятга эга эканлиги, уларда совет халқининг жанговар голибона йўли ҳаққоний ва атрофлича акс эттирилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Куни кеча бўлиб ўтган район китобсеварлар жамиятининг ҳисобот-сайлов конференциясида ана шу ҳақда гапирилди.

Жамият ташаббуси билан улуг рус шоири Александр Сергеевич Пушкин туғилган кунининг йиллиги муносабати билан ўтказилган шеърият оқшомлари адабиёт ихлосмандларига манзур бўлди. Бундан ташқари Алишер Навоий номли республика Давлат халқ кутубхонасида ишлаб турган китобсеварларни и н г «Машъала» клуби ҳам қатор самарали тадбирларни олиб бормоқда.

КОРХОНАНИНГ ЯНГИ МАССИВИ

БУГУН

Николай Ванин бошчилик қилаётган комплекс коммунистик меҳнат бригадасининг коллективи 60 квартирали беш қаватли дастлабки бинодаги қурилиш ишларини ниҳоясига етказди. Конструкцияларни монтаж қилиш ва пардозлаш ишларини ана шу комбинатнинг 1-бошқармаси бинокорлари бажаришди.

Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи учун яна бир янги уй-жой массивини бунёд этиш ишлари бошлаб юборилди.

«Главташкентстрой» 1-уйсозлик комбинати 2-монтаж бошқармасининг азаматлари Ҳамза районидаги Шолохов номли массивда бир йўла 15 та уй-жой майдонини бунёд этишга киришдилар.

Тошкент медицина институтининг янги корпуслари қурилишида бинокорлик ишлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 6-қурилиш трести 7-қурилиш бошқармасининг бинокорлари бу ерда институт студентлари учун ётоқхоналар, даволаш, хирургия корпуслари қурилишини тезкорлик билан бажаришяпти.



СУРАТДА: яқинда фойдаланишга топширилган даволаш корпусини кўриб турибсиз. М. Нуриддинов фотоси.

ОТРЯД ИВАНОВОГА ЙЎЛ ОЛДИ

Тошкент медицина институтининг санитария-гигиена факультети қошида ташкил этилган юз кишидан иборат «Авангард» ва «Вперёд» отрядлари меҳнат семестрида иштирок этиш учун Россия Федерациясининг Иваново областига жўнаб кетишди.

Бу иккала отряд йўлга чиқиш олдидан Тошкент вокзали олдидаги Туркистон 14 комиссари ёдгорлиги олдида тантанали маросим ўтказилди. Унда республика студентлар қурилиш отрядлари штабининг вакиллари К. Мамедов, С. Гитвич ва бошқалар сўзга чиқиб, ёш бунёдкорларнинг олдинда турган шарафли вазифалари ҳақида гапиришди.

Бунёдкорлар тушган поезд секин аста йўл олади. Қурувчиларни ота-оналари, педагоглари, ёру биродарлари кузатиб қолдилар.

Б. САИДОВ.

телетайп лентасидан

БЕРЛИН. «Нойес дойчланд» газетаси «бедарак йўқолди» деб эълон қилинган Чили ватанпарварларининг тақдири тўғрисида хабар беришга даъват этиб, Хунтага мурожаат қилди. Газета ўз шарҳларида ватанпарварларнинг қаринлошлари бир неча кун очлик эълон қилиб, норозилик билдирганлигига қарамай, Чилида озодлик ва демократия учун курашган ҳамда охранка агентлари қўлга олган минг-минглаб курашчиларнинг тақдири тўғрисида шу вақтгача хеч нарса маълум эмаслигини таъкидлайди.

РИМ. Таъқиблар натижасида ўз мамлакатидан чиқиб кетишга мажбур бўлган Чили демократларининг ташкилоти «Демократик Чили» номитети жаҳон жамоатчилигини Чилидаги снёсий махбусларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун зўр бериб ҳаракат қилишга чақирди.

Комитетнинг бу ерда эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: Хунта режим тутқунларининг тақдири тўғрисида ,қонуз лом-мим демаётир ва уларнинг тақдири ҳақида берилган саволларга очиқ жавоб қайтаришдан ҳар қандай йўллар билан бўйин товламоқда.

Комитет снёсий махбусларни озод қилиш йўлидаги нурашда барча демократик ва ватанпарвар кучларнинг биргалашиб ҳаракат қилиши муҳим эканлигини таъкидлайди.

БРЮССЕЛЬ. Бельгиядаги дин арбобларн бутун жаҳондаги миллионларча соф виждонли кишиларининг Пиночет хунтаси Чилининг 2500 ватанпарварига қарши қўйилган айблар ва уларнинг соғлиғи ҳамда қаерда қамалиб ётганлиги тўғрисидаги маълумотларни эълон қилсин, деган талабига қўшилдилар. Хунта режими ана шу ватанпарварларни «бедарак йўқолганлар» деб эълон қилган эди.

Бельгия протестан черкови Синодининг раиси А. Ж. Питерс Чилининг Брюссельдаги элчихонаси орқали Пиночетга хат юборди. У ўз хатида «аниқ ва ижобий жавоб» беришни талаб қилади.

КПСС XXV СЪЕЗДИДА ТИЛГА ОЛИНГАН

ЖАНГОВАРЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК РУҲИДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев партиямиз XXV съездида қилган Ҳисобот докладида: «Партия раҳбарлигининг даражаси партиямизнинг негизи бўлган бошланғич партия ташкилотларининг нечоғлик жанговарлик ва ташаббускорлик билан ишлашларига бевосита боғлиқдир», деб таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам партия ташкилотларининг раҳбарлик ва сафарбар этувчилик роли мавҳумий бир тушунча эмас, балки ҳаётнинг ўзи, кундалик иш практикасининг ўзидир. Бошланғич партия ташкилотларининг ўнинчи беш йиллиқдаги илҳомлантирувчи роли ҳар кун, ҳар соатда яққол намоён бўлиб турибди.

Ҳамза район партия комитети ҳам бошланғич партия ташкилотлари, нинг жанговарлиги ва ташаббускорлигини кун сайин ошириш ҳақида ғамхўрлик қилмоқда. Район партия комитетининг биринчи секретари Анвар Солиҳович ИКРОМОВ махсус мухбиримиз билан суҳбатда ана шулар ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Анвар Солиҳович, районнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўзлаб берсангиз. Бу бошланғич партия ташкилотлари ишини йўлга қўйишда катта аҳамиятга эга, шундай эмасми?

— Тўғри. Бизнинг районимизни тўла маънода саноат райони дейиш мумкин. Бизнинг территориямизда 33 та саноат корхонаси жойлашган. Улар ичида В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, «Узсельхозтехника»нинг Тошкент тажриба ремонт-механика заводи, 4-нон маҳсулотлари комбинати коллективлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан тақдирландилар. Бу йил юбилей йилидаги меҳнат маромни ва жўшқинлигини янада кучайтириб, тобора юксак марраларни кўзламоқдамиз.

Беш йилликнинг иккинчи ярмига қадам қўйдик. Ўтган йилларда саноат корхоналари коллективлари мўлжалдаги режадан зиёдроқ саноат маҳсулотлари реализация қилдилар. Планга қўшимча бир неча миллион сўмлик маҳсулотлар реализация қилиндики, бу юксалишнинг 70 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш орқали эришилди. Шунингдек, қурувчилар, транспортчилар, алоқачилар, лойиҳачилар ва бошқа тармоқларнинг ходимлари ҳам кўнгилдагидек натижаларни қўлга киритмоқдалар.

— Район партия ташкилотлари социалистик мусобақани, унинг олий формаси бўлган коммунистик меҳнат ҳаракатини ривожлантиришга қандай эътибор бермоқдалар?

— Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини кенг авж олдириш бошланғич партия ташкилотларининг биринчи галдаги вазифасидир. Зотан, бошланғич партия ташкилотларининг олиб бораётган кўп қиррали фаолияти, коллективни сиёсий тарбиялашдаги муваффақиятлари, уларнинг жанговарлиги ва ташаббускорлиги энг аввало, ана шу конкрет ишлар билан ўлчанади. Сиёсий тарбия билан меҳнат тарбияси бир-бирига мустаҳкам қўшилгандагина социалистик мусобақа ўзининг ажойиб самараларини беради.

Буни В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси мисолида кўриш мумкин. Бу корхонада ишчиларнинг 90 процентдан зиёди коммунистик меҳнат ҳаракатида актив иштирок этди. Корхонада ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш, реконструкция қилиш, илғор техника жараёнларини жорий этиш бўйича йирик тадбирлар амалга оширилиши ҳам коллектив учун техника-ижтисодий кўрсаткичларни, ишлаб чиқариш маданиятини юқори кўтариш имконини берди. Корхона партия комитети жамоат ташкилотлари активлигини ошириб, социалистик мусобақани юксак савияда ташкил этди, меҳнат шароитини янада яхшилади. Буларнинг барчаси ажойиб самара берди. Ҳозир корхонада 97,6 процент маҳсулот биринчи тақдим этишдаёқ топширилмоқда. 90 процент маҳсулот завод Сифат белгисини олган. Шунинг учун ҳам яқинда бу пешқадам корхонага «Коммунистик меҳнат коллективи» деган юксак ном берилди. Бу ерда юздан ортиқ бригадалар, группалар, бюролар, цех ва бўлимларнинг коллективлари, коммунистик меҳнат зарбдорлари чинакам меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Корхона партия комитети илғорлар тажрибасини кенг ёйишга, мусобақанинг оммавийлиги ва таъсирчанлигини оширишга катта эътибор бермоқда. Биргина мисол келтириб ўтаман. СССР Олий Советининг депутати, инженер-разметкачи Татьяна Ляшко «Сифат ва самарадорлик беш йиллигига — инженерлик кафолати» қимматли ташаббуси билан чиқди. Ёш коммунистнинг бу ажойиб ташаббуси аввало, корхона партия комитети томонидан қизғин қўллаб-қувватланди ва кенг ёйилди. Т. Ляшко ижтимоий бурчга онгли муносабатда бўлиш, сўз билан иш бирлигини таъминлаш, сингари ажойиб фазилатини намоён қилди. Ҳозир бирдашмада 3 мингдан зиёд инженер-техник ходим унинг ташаббуси асосида ишламоқда!

Корхона партия комитети касаба союз ташкилоти билан биргаликда инженер-техник ходимларнинг бир қатор семинарларини ўтказди. новатор инженерининг тажрибаси юзасидан махсус варақа ҳам чиқарди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Анвар Солиҳович, бошланғич партия ташкилотларининг социалистик мусобақа-

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЯ ҚУРИЛИШЛАРИНИНГ ОЛДИНГИ САФЛАРИДА БОРИБ, ХАЛҚ ОРАСИДА ИШ КУР. МОҚДАЛАР, УЛАР ЎЗЛАРИНИНГ ҲАММА ИШЛАРИ БИЛАН ПАРТИЯ СИЕ. САТИНИ ОММАНИНГ ЖОНЛИ ИЖОДИ БИЛАН БИРГА ҚУШИБ ОЛИБ БО. РИШГА, ХЎЖАЛИК-СИЕСИЯ ВА ғоявий-тарбиявий вазифаларни МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАЛ ЭТИШГА АКТИВ ЕРДАМ БЕРМОҚДАЛАР.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

сида ҳар бир корхона ва ташкилот бошланғич партия комитетлари ишлаб чиққан тадбирларнинг тўлатўкис бажарилиши устидан кундалик назорат олиб бормоқда. Бу йил зиммамизга планга қўшимча бир неча миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, 25 буюмни Давлат Сифат белгиси билан тайёрлашдек юксак мажбурият қабул қилганмиз. Шунинг учун ҳам район партия комитети жойларда туғилаётган ҳар бир янги ташаббусни қўллаб-қувватлаб, уни бошқа коллективлар ўртасида кенг ёйиш тадбирларини кўрмоқда. Москваликлар ташаббусини қўллаб-қувватлаган икки цех, касбларни эгаллаган ишчилар барча жараёнларни моҳирлик билан адо этишяпти. Бунда иш вақтидан самарали фойдаланиляпти, эртанги иш куни аниқроқ режаланяпти. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини кескин оширяпти. Шунинг учун бу коллективга коммунистик меҳнат бригадаси деган фахрли ном берилди. Корхона партия комитети эса ташаббусни кенг ёйди. Ҳозир иккита цех, уч участка, 280 дан зиёд ишчи, 2 бригада ана шу ташаббус асосида меҳнат қилмоқда.

Умуман, район партия комитети турдош корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақага катта эътибор бермоқда. «Ташсельмаш» заводи Тошкент трактор заводи, шунингдек Одесса қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи билан мусобақалашмоқда. Ег-мой комбинати эса упаель фабрикаси билан беллашмоқда. Бу ва бошқа корхоналарнинг партия комитетлари ўзаро мусобақа якунларини тез-тез муҳокама қилиб, тажриба алмашишяпти. Туғилаётган баъзи проблемаларни ҳал қилишнинг конкрет чораларини кўришяпти.

— Баъзан шундай бўлади: бирон корхонада қимматли ташаббус бошланади-да кейин унутиб қўйилади. Ана шундай ҳолларга йўл қўлётган бошланғич партия ташкилотлари ҳам борми?

— Ўз зиммасига янги социалистик мажбурият қабул қилиб ёки бўлмаса янги ташаббус бошлаб кўпчиликка «кўриниш»га интиладиган кишилар онда-сонда бўлса-да учраб қолади. Янгийўлликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббуси район партия комитети бюросида кизғин қўллаб-қувватланди. Ҳозир шуни мамнуният билан таъкидлашим керак: районимизда бирорта ҳам қолоқ корхона йўқ. Лекин айрим бригада ёки участкалар учраб туради. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин методи кўпчилик қурилиш ташкилотларида қўллаб-қувватланмоқда. Бироқ, 3-қурилиш трестида ана шу методни оғизда қўллаб-қувватлаб, амалда самарали бирон натижага эришилмаётган бригадалар бор. Трест партия комитети ва маъмурияти раҳбарлари ана шу бригадаларга бевосита амалий ёрдам кўрсатиш ҳақида ўйлаб кўришганмиз.

— Бошланғич партия ташкилотлари ташаббускорлиги ва жанговарлигини оширишда район партия комитети контролининг қандай усулларидан фойдаланяпти?

— Ўнинчи беш йиллигининг учинчи йили ва умуман беш йиллик план топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини бажариш ҳақида ҳар ой ишчи, 2 бригада ана шу ташаббус асосида меҳнат қилмоқда.

Умуман, район партия комитети турдош корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақага катта эътибор бермоқда. «Ташсельмаш» заводи Тошкент трактор заводи, шунингдек Одесса қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи билан мусобақалашмоқда. Ег-мой комбинати эса упаель фабрикаси билан беллашмоқда. Бу ва бошқа корхоналарнинг партия комитетлари ўзаро мусобақа якунларини тез-тез муҳокама қилиб, тажриба алмашишяпти. Туғилаётган баъзи проблемаларни ҳал қилишнинг конкрет чораларини кўришяпти.

— Баъзан шундай бўлади: бирон корхонада қимматли ташаббус бошланади-да кейин унутиб қўйилади. Ана шундай ҳолларга йўл қўлётган бошланғич партия ташкилотлари ҳам борми?

— Ўз зиммасига янги социалистик мажбурият қабул қилиб ёки бўлмаса янги ташаббус бошлаб кўпчиликка «кўриниш»га интиладиган кишилар онда-сонда бўлса-да учраб қолади. Янгийўлликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббуси район партия комитети бюросида қизғин қўллаб-қувватланди. Ҳозир шуни мамнуният билан таъкидлашим керак: районимизда бирорта ҳам қолоқ корхона йўқ. Лекин айрим бригада ёки участкалар учраб туради. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин методи кўпчилик қурилиш ташкилотларида қўллаб-қувватланмоқда. Бироқ, 3-қурилиш трестида ана шу методни оғизда қўллаб-қувватлаб, амалда самарали бирон натижага эришилмаётган бригадалар бор. Трест партия комитети ва маъмурияти раҳбарлари ана шу бригадаларга бевосита амалий ёрдам кўрсатиш ҳақида ўйлаб кўришганмиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатни Ҳамид ИКРОМОВ олиб борди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Миср пахтаси хавф остида

ҚОҲИРА. Ҳозир Мисрнинг пахтазорларидан олинаётган ҳосилдорлик уруш ҳаракатлари тўғрисидаги ахборотларни эслатади.

Гап шундаки, мамлакатнинг асосий техника экини бўлмиш пахта ҳосили ҳозир жиддий хавф остида қолди. Чунки Миср кўпчилик вилоятларининг далаларида кўсак қурти кўпайиб кетди. Қоҳира матбуотининг маълумотларига кўра, жами пахтазорларнинг учдан икки қисмидан ошиғини кўсак қурти босган.

Кўсак қурти ҳужумини даф этиш учун ҳар куни унга қарши янги-янги кучлар ажратилмоқда, шу жумладан қишлоқ хўжалик авиацияси самолётларидан фойдаланилмоқда. Қишлоқ хўжалиги министрлигида хаттоки «фавқулодда ҳолат» эълон қилинди. Кўпчилик бўлиб 2,5 миллиард чамаси кўсак қуртини йиғиб йўқотиш ва баъзи жойларда унинг тарқалишини тўхтатишга муваффақ бўлинди.

Аммо, булгурги йилги воқеалар тақрорланишига бу сафар йўл қўймасликка эришиш ҳозирча мавҳум бўлиб турибди. Булгур кўсак қурти пахта ҳосилининг анча қисмини нобуд қилганди.

Олимлар кашфиёти

ВАШИНГТОН. Галактика кенгликларида органик ҳаёт бўлиши имкониятлари тўғрисидаги назария яна бир марта тасдиқланди.

Гринбелтдаги (Мэриленд штати) Годдард номидаги космик учишлар марказида ишловчи америкалик олимлар К. Фокс билан Д. Женничсга мураккаб илмий экспериментлар натижасида табиий газнинг таркибидаги асосий моддалардан бири бўлмиш метан коинотнинг ердан олисдаги районларида кенг кўламда тарқалганлигини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Улар Гринбэнкдаги (Ғарбий Виржиния штати) давлат радио астрономик обсерваториясининг радиотелескопи ёрдами билан орион юлдуз туркуми, Рх Валопас юлдузлари ва бошқа баъзи юлдузларнинг теварагларида катта-катта метан газ майдонлари борлигини аниқладилар.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, топилган шу метан космосда рўй бериши мумкин бўлган аминокислоталар ҳосил бўлиш жараёни учун зарур бўлмиш айни етишмаётган бўғин ҳисобланади. Маълумки, аминокислоталар ҳамма тирик организмларнинг негизи бўлмиш оқсил ҳосил бўлиши учун асосий «қурилиш материали» ҳисобланади. Ҳозирги вақтда метан ер атмосферасида унча тарқалмаган газ бўлса-да, у бундан тўрт миллиард йилдан аввал планетамиз атмосфераси ҳосил бўлиш даврида атмосферанинг асосий компоненти бўлган, деб ҳисобламоқдалар.

Мутахассисларнинг фикрича, галактиканинг бошқа районларида бирон ҳаёт шакли бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги назарияни янада ривож топтириш учун шу кашфиёт катта аҳамиятга эга бўлади.



Социалистик Вьетнамнинг шимолий вилоятларидаги юз минг гектардан ортиқ майдонни эгаллаб турган дарё, ҳовуз ва кўлларидан ҳар йили балиқчилар ўнлаб минг тонна балиқ овлашади.

СУРАТДА: балиқ овида.

ВИА—ТАСС фотоси.

Ҳеч қандай ёрдам берилмасин

ОТТАВА. Канада жамоат ва касаба союз ташкилотлари орасида Канададаги бир қанча банкларнинг Жанубий Африка ирқчилари режимига молиявий ёрдам беришига қарши норозилик ҳаракати кенгайиб боряпти. Давлат хизматчилари миллий касаба союзи банкларнинг Апартеид режимини қўллаб-қувватлашига қарши норозилик билдириб, «Канадиан империэл бэнк оф коммерс»да сақланаётган касаба союз маблағларини қайтариб олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Канаданинг денгизнинг нариги томонидаги университет хизмати бўлими ана шу сабабларга кўра «Ройял бэнк оф Канада» хизматидан фойдаланишдан воз кечди. Бу банк Канаданинг бошқа банклари билан бир қаторда Жанубий Африка Республикасида молия операцияларини амалга оширмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатдаги энг йирик касаба союз бирлашмалари— Канада ишчилар конгресси ва ҳукуматга қарашли бўлмаган икки ташкилот — халқаро ҳамкорлик учун курашувчи Канада кенгаши ва студентларнинг миллий иттифоқи ҳудди шундай қарор қабул қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқмоқдалар.

Канада руҳонийларининг бирлашган комитети банкларнинг Претория ирқчилар режимига қарз беришига қарши норозилик ҳаракатида актив қатнашмоқда. Руҳонийларнинг вакили федерал ҳукумат БМТда Апартеидни қоралаётган бўлса ҳам амалда Жанубий Африка ирқчиларини қўллаб-қувватлаётган Канада банкларининг фаолиятига ҳалақит бермаётир, деди.

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ

ЛОНДОН. Бу ерда «Сувайш канали 1956 йилда» китоби чоп этилди. Бу китобда Ғарб мамлакатларининг Исроил билан ҳозирги иттифоқининг туб сабабларини янги ҳақиқий маълумотлар асосида кўрсатиб берилган. Бу иттифоқ араб мамлакатларига қарши қаратилган.

Бунда гап Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши тайёрлаган агрессияси тўғрисида боряпти. Президент Носир Сувайш каналини национализация қилганидан кейин ана шу агрессия бошланган эди. Китобнинг муаллифи марҳум Селвин Ллойд ўша вақтда Англиянинг ташқи ишлар министри эди. У агрессия арафасида уч давлат вакилларининг Париж яқинидаги Севр шаҳрида ўтказилган махфий учрашувлари тўғрисида ҳикоя қилади. Бу учрашувларда Исроилнинг бош министри Бен-Гурион, Англия ва Францияниг ташқи ишлар министрлари ҳамда юқори мартабадаги бошқа арбоблар қатнашган. Аслида Мисрга қарши биргаликда ҳаракат қилиш плани муҳокама этилган. Кейинги марта ўтказилган махфий учрашувда ана шу разил фитнада қатнашувчи «шериклар»дан ҳар бирининг ўз зиммасига олган мажбуриятлари ҳужжатда баён қилингани. Англия Форин оффиси ҳозирги вақтда ҳам шу ҳужсуда лом-мим демасликни афзал кўряпти.

Селвин Ллойд жумладан, бундай деб ёзади: «Биз Франциянинг Исроил Мисрга ҳужум қилган тақдирда канални ҳимоя қилмоқ учун арашувимиз керак, деган таклифига қўшилдик».

Ана шу фитнанинг оқибатлари тарихдан маълум: Исроил танклари Синай ярим оролига бостириб кирди. Англия ва Франция самолётлари Миср аэродромларини бомбардимон қилди, инглиз парашютчилари Порт-Сандга туширилди. Улар Сувайш каналини ишғол қилишга уринди лар.

Қўшма Штатларнинг ўша вақтда тутган позицияси дикқатга сазовордир. Маълумки, Қўшма Штатлар Англия билан Франциянинг аралашувини ошкора қоралаган эди. Аммо ана шу авантюра шармандаларча барбод бўлишидан сал вақт ўтгач АҚШ давлат секретари Даллес Селвин Ллойдга бундай деган: «Нима учун бир жойда тўхталиб қолдиниз? Нима учун олға бормадингиз ва Носирни улоқтириб ташламадингиз?» Бу сўзлар ўша вақтдаёқ ўзини араб халқларининг ҳимоячиси қилиб кўрсатган Вашингтоннинг ниёқолғичлигини яққол тасвирлаб беради.

Китобда баён этилган фактлар содир бўлганидан буён кўп вақт ўтганлигига қарамай, Исроилнинг Араб мамлакатларига қарши кейинги ҳамма агрессив хуружларига олиб келган фитначилик мақсадларини аниқроқ билиб олишга ёрдам беради. 1967 йилдаги агрессия уруш натижасида уч Араб мамлакатининг территорияси босиб олинди. Ливанга босқинчиларча ҳужум қилинди. Бу ҳужум ҳануз давом этмоқда.

Китоб Исроилни жиловлаб қўйиш ва Яқин Шарқ можаросини адолатли тарзда барҳараф қилиш йўлидаги уринишларида АҚШ ва унинг Ғарбдаги иттифоқчиларига ёрдамга умид боғлаётган Араб раҳбарларини жиддий огоҳлантириб қўяди. Улар ҳамиша агрессор билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиб келаётганларга умид боғламоқдалар.

◆ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Бозор ва нархлар

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг шу йил 7 июнь сонида босилган «Бозорнинг ҳўжайини ким?» мақоласини кўриб чиқиб, шаҳар бозорларида сабзавот ва мевалар кун сайин кўпайиб бораётганига қарамай, уларнинг нархи ҳамон қимматлигича қолаётганлигига газета тўғри эътибор берганлигини таъкидлади.

Бу давлат, кооператив ва колхоз савдоси қониқарсиз даражада ташкил этилаётганлигининг оқибатидир, Савдо Бош бошқармаси, бозорлар бошқармаси, бозорларнинг жамоат советлари бозорлар иши юзасидан зарур назорат олиб бормаяптилар, нархларнинг қўйилишини мунтазам равишда текширмаяптилар. Бунинг натижасида савзавот ва мевалар билан олиб-сотарлик қилишга шароит яратиляпти. Халқ контроли ва ОБХСС органлари олиб-сотарлар, чайқовчилар билан курашда зарур актавлик кўрсатмаяптилар.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ижроия комитетларига «Бозорнинг ҳўжайини ким?» мақоласида кўрсатиб ўтилган нуқсонларни тугатиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўриши топширди. Колхоз бозорлари ишини яхшилаш бўйича ҳам конкрет тадбирлар белгиланди ва улар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо Бош бошқармасига шаҳар бозорларидаги сабзавот ярмаркаларида мева-сабзавот ва картошка маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш ва реализация қилишни таъминлаш, бозорларнинг жамоат советларини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб сотиш билан шуғулланувчиларни аниқлашга жалб этиш ва улар ишини активлаштириш топширилди.

Тошкент шаҳар кооператив савдоси маъмуриятига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб сотиш билан шуғулланувчиларни аниқлашга жалб этиш ва улар ишини активлаштириш топширилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ички ишлар бошқармасига жамоатчилик билан ҳамкорликда шаҳар бозорларида чайқовчиликка қарши курашни кучайтириш, шаҳар жамоат координация Советига эса бозорларнинг жамоат советлари иши тўғрисида ҳисоботларни тезтез тинглаб туриш, уларга нархларни аниқлаш ва чайқовчиликка қарши кураш масалаларини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш таклиф этилди.



БЕШ ЙИЛЛИК — УЧ ЯРИМ ЙИЛДА

«Главташкентстрой»га қарашли 153-қурилиш трести 3-қурилиш бошқармасининг тажрибали бинокор Анатолий Иванович Шагнёв бош бўлган участка қурувчилари ўнинчи беш йиллик ишлаб чиқариш топшириқларини муддатидан илгари уч ярим йилда адо этиш юзасидан бошланган умумхалқ мусобақасида фаол иштирок этмоқда. Участка қурувчилари бу йил пландаги буюртмаларни ўз вақтида бажариш бирдай кўрсаткичларни, ишлаб чиқариш маданиятини юқори кўтариш имконини берди. Корхона партия комитети жамоат ташкилотлари активлигини ошириб, социалистик мусобақани юксак савияда ташкил этди, меҳнат шароитини янада яхшилади. Буларнинг барчаси ажойиб самара берди. Ҳозир корхонада 97,6 процент маҳсулот биринчи тақдим этишдаёқ топширилмоқда. 90 процент маҳсулот завод Сифат белгисини олган. Шунинг учун ҳам яқинда бу пешқадам корхонага «Коммунистик меҳнат коллективи» деган юксак ном берилди. Бу ерда юздан ортиқ бригадалар, группалар, бюролар, цех ва бўлимларнинг коллективлари, коммунистик меҳнат зарбдорлари чинакам меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Корхона партия комитети илғорлар тажрибасини кенг ёйишга, мусобақанинг оммавийлиги ва таъсирчанлигини оширишга катта эътибор бермоқда. Биргина мисол келтириб ўтаман. СССР Олий Советининг депутати, инженер-разметкачи Татьяна Ляшко «Сифат ва самарадорлик беш йиллигига — инженерлик кафолати» қимматли ташаббуси билан чиқди. Ёш коммунистнинг бу ажойиб ташаббуси аввало, корхона партия комитети томонидан қизғин қўллаб-қувватланди ва кенг ёйилди. Т. Ляшко ижтимоий бурчга онгли муносабатда бўлиш, сўз билан иш бирлигини таъминлаш сингари ажойиб фазилатини намоён қилди. Ҳозир бирдашмада 3 мингдан зиёд инженер-техник ходим унинг ташаббуси асосида ишламоқда!

Корхона партия комитети касаба союз ташкилоти билан биргаликда инженер-техник ходимларнинг бир қатор семинарларини ўтказди. новатор инженерининг тажрибаси юзасидан махсус варақа ҳам чиқарди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Анвар Солиҳович, бошланғич партия ташкилотларининг социалистик мусобақа-

сида ҳар бир корхона ва ташкилот бошланғич партия комитетлари ишлаб чиққан тадбирларнинг тўлатўкис бажарилиши устидан кундалик назорат олиб бормоқда. Бу йил зиммамизга планга қўшимча бир неча миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, 25 буюмни Давлат Сифат белгиси билан тайёрлашдек юксак мажбурият қабул қилганмиз. Шунинг учун ҳам район партия комитети жойларда туғилаётган ҳар бир янги ташаббусни қўллаб-қувватлаб, уни бошқа коллективлар ўртасида кенг ёйиш тадбирларини кўрмоқда. Москваликлар ташаббусини қўллаб-қувватлаган икки цех, касбларни эгаллаган ишчилар барча жараёнларни моҳирлик билан адо этишяпти. Бунда иш вақтидан самарали фойдаланиляпти, эртанги иш куни аниқроқ режаланяпти. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини кескин оширяпти. Шунинг учун бу коллективга коммунистик меҳнат бригадаси деган фахрли ном берилди. Корхона партия комитети эса ташаббусни кенг ёйди. Ҳозир иккита цех, уч участка, 280 дан зиёд ишчи, 2 бригада ана шу ташаббус асосида меҳнат қилмоқда.

Умуман, район партия комитети турдош корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақага катта эътибор бермоқда. «Ташсельмаш» заводи Тошкент трактор заводи, шунингдек Одесса қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи билан мусобақалашмоқда. Ег-мой комбинати эса упаель фабрикаси билан беллашмоқда. Бу ва бошқа корхоналарнинг партия комитетлари ўзаро мусобақа якунларини тез-тез муҳокама қилиб, тажриба алмашишяпти. Туғилаётган баъзи проблемаларни ҳал қилишнинг конкрет чораларини кўришяпти.

— Баъзан шундай бўлади: бирон корхонада қимматли ташаббус бошланади-да кейин унутиб қўйилади. Ана шундай ҳолларга йўл қўлётган бошланғич партия ташкилотлари ҳам борми?

— Ўз зиммасига янги социалистик мажбурият қабул қилиб ёки бўлмаса янги ташаббус бошлаб кўпчиликка «кўриниш»га интиладиган кишилар онда-сонда бўлса-да учраб қолади. Янгийўлликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббуси район партия комитети бюросида қизғин қўллаб-қувватланди. Ҳозир шуни мамнуният билан таъкидлашим керак: районимизда бирорта ҳам қолоқ корхона йўқ. Лекин айрим бригада ёки участкалар учраб туради. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин методи кўпчилик қурилиш ташкилотларида қўллаб-қувватланмоқда. Бироқ, 3-қурилиш трестида ана шу методни оғизда қўллаб-қувватлаб, амалда самарали бирон натижага эришилмаётган бригадалар бор. Трест партия комитети ва маъмурияти раҳбарлари ана шу бригадаларга бевосита амалий ёрдам кўрсатиш ҳақида ўйлаб кўришганмиз.

Бригада бунёдкорлари «Беш йилликни уч йилда бажарамиз» шиори остида унумли меҳнат қилмоқдалар. Сиз мана бу фотолавҳаларда бригаданинг пешқадам қурувчиларидан (чапдан-ўнгга) Раиса Туркова, Клавдия Плешкова, Турсун Ҳикматов, бригада бошлиғи Константин Плешков, Одилбек Асилов ва Рафқат Галиевларни кўриб турибсиз. Ўнгдаги суратда фойдаланишга топширилаётган янги турар жой манзараси акс этган.

М. Нуриддинов фотоси.

МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ

Катта қурилиш отряди

БУГУН

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти турли факультетларининг студентлардан иборат қилиб тузилган катта қурилиш отряди мамлакатимизнинг Новгород, Олтой, Тюмень ўлкаларида меҳнат қилиш учун жўнаб кетди. Студентлар яна беш йилликнинг энг зарбдор қурилишларида қатнашадилар. Куни кеча 500 га яқин студент эса Тошкент шаҳри ва пойтахт области қурилишларига йўл олган эди.

Бундан икки ҳафта муқаддам яна бир қурилиш отряди Гагарин шаҳрида ўзининг меҳнат семестрини бошлаб юборди.

Олий ўқув юртининг ёшлари олиб борадиган бунёдкорлик ишлари кўлами бу йил янада кенгайди. Студентларнинг бир группаси Польша Халқ Республикасининг Краков шаҳридаги кон-металлургия академияси ёшлари билан ишлаш учун у ерга жўнаб кетди. 20 кишидан иборат отрядга олий ўқув юртининг битирувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати А Мунавварова бошчилик қилмоқда. Яна бир группа эса Варшавадаги политехника институти студентлари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Бир неча кундан кейин Польша ва Чехословакия олий ўқув юртларининг ёшларидан иборат қардошлик қурилиш отряди Тошкентга етиб келади.

Политехника институти студентлари ана шу меҳнат семестрида 5,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга сўз беришган.

◆ ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Тошкент ГРЭСИ ва шаҳримиз марказини бир-бирига боғловчи янги автобус маршрути йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади. Бу трассада қатнашаётган 115-экспресс маршрути Энгельс, Жаҳон Обидова кўчалари, «Узбексельмаш» заводи, Педиатрия ва қишлоқ хўжалик институтлари орқали ҳаракат қилади.

Янги автобус маршрути йўлга қўйилиши муносабати билан Селекция институти ва «Коммунистическая» автостанцияси оралиғида қатнаган 81-экспресс маршрути тўхатилади.

Ўзб. тошкент оқшоми

12 ИЮЛЬ, 1978 й.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. ҚАМБАРОВА: Ўғлимни интернатнинг биринчи синфига топширмоқчи эдим. Шаҳримиздаги интернатнинг адреси, қандай ҳужжатлар кераклиги ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Шаҳримизнинг Октябрь райони — Архангельский кўчаси, 27-уйда 1-мактаб-интернат жойлашган. Мактаб-интернат саккиз йиллик бўлиб, ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Рус тили чуқур ўргатилади. Болани мактаб-интернатга жойлаштириш учун ота-оналар иш ва турар жойидан справка, боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси билан бирга Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими мудири номига ариза ёзиб топширадилар.

* * *

Е. ИСМОИЛОВА, Г. ШИРДАНОВА: Тошкентда ҳинд тилини ўқитадиган курслар бор, деб эшитдик. Шу курсларга қабул шартлари ва ўқиш муддати ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: В. И. Ленин номли ТошДУнинг шарқ факультети қошида араб, форс, ҳинд тилларини ўргатувчи курслар ҳар йили ноябрь ойидан иш бошлайди. Ўқиш муддати икки йилга мўлжалланган бўлиб, ҳафтада икки бор машғулот олиб борилади. Группалар ўқиш истагини билдирган олий маълумотли ёки институтни битирувчилардан камида олти киши ариза берган тақдирдагина тузилади. Ўқишга кириш учун шу йил октябрь ойидан кечикмай факультет деканига ариза топширилади.

* * *

Ш. НАЗАРОВА: Ўғлим Элмурод Абдумуродович Назаровнинг исм ва фамилияси Элмурод Бекмирзаевич Абдумуродов бўлишини истайман. Чунки ўғлим Элмурод, ҳатто дадаси Абдумурод ҳам Назарбобони танишмайди. Район ЗАГСидагилар ҳужжат бўйича қандай бўлса, шундай қолаверади дейишяпти. Ўғлим шу фамилияда қолаверадими ёки ўзгартирса бўладими?

Жавоб: Фарзандга фамилия танлаш қоидаси қуйидагича. Агар ота-она бир фамилияда бўлса, Ўзбекистон ССР Никоҳ ва оила кодексининг 76-моддасига биноан туғилиш ҳақидаги акт ёзувида болага ота-онанинг фамилияси берилади. Агар ота-она бир фамилияда бўлмаса, у ҳолда ота-онанинг ўзаро келишувига қараб, болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади. Бундай келишув бўлмаган ҳолда, боланинг фамилияси отаси ёки онасининг фамилиясига қараб васийлик ва ҳомийлик органи томонидан берилади. Демак, болага олдиндан пухта ўйлаб исм ва фамилия қўйиш керак.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

«Бир хил аҳамиятга эга бўлмаган кўчалар чорраҳасида иккинчи даражадаги йўлдан келаётган транспорт ҳайдовчиси уларнинг йўллари қайси томонга давом этишидан қатъий назар, бош йўлдан келаётган транспорт воситасига йўл бериши керак». Йўл ҳаракати қоидаларининг 110-моддасида шундай дейилган. Лекин гражданин Анатолий Николаевич Перфильев буни бажармади.

У Никитин кўчаси бўйлаб Муса Жалил кўчаси томон келаётганда бош йўлдан келаётган ГАЗ-53 автомашинасини ўтказиб юбормади. Тўқнашув натижасида А. Перфильев танаси жароҳатланди ва касалхонага ётқизилди.

А. Перфильев тўғрисидаги материал шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаси Давлат автоинспекциясининг маъмурий комиссиясида кўриб чиқилади.

ШУ кунларда республикамизда кунлар ниҳоятда исиган, айни саратон, чилла даври дир. Атроф муҳитнинг юқори даражада исиши кишининг бутун танасига ҳамда унинг айрим аъзолари юрак ва қон томирларига маълум даражада таъсир қилмай қолмайди.

Маълумки, юрак киши организмидаги энг муҳим аъзолардан бўлиб, унинг вазифаси ниҳоятда оғир ва мураккабдир. Юрак марказий насос сифатида бутун аъзога, тўқималарга қонни ва қон орқали кислород ҳамда овқат моддаларини тўхтовсиз етказиб туради. Юрак ҳаёт манбаи бўлиб, кишининг бутун умрида бир минут ҳам тўхтамай ишлайди.

Олимларнинг кейинги вақтда олиб бораётган тадқиқотлари ташқи муҳит ўзгаришининг юрак фаолиятига таъсирини борган сари кўпроқ исботламоқда. Ташқи муҳит деганимизда биз кўпроқ ҳаво нинг ҳарорати, ҳаво босими, ундаги намлик миқдори, шамол тезлиги, ҳавонинг таркиби, ундаги турли аралашмаларни тушунамиз.

Хўш, Ўзбекистоннинг ёзги иссиқ шароитида ҳаво қандай ўзгаради ва у юрак фаолиятига қандай таъсир қилади?

Аввало шуни айтиш керакки, киши организми шунчалик мураккаб механизмга эгаки, у ташқи муҳитнинг ҳар қандай ўзгаришига мослаша олади — адаптация бўлади. Шунга қарамай муҳитнинг кучли ўзгариши албатта маълум бир миқдорда салбий таъсир кўратади ва инсон бу таъсирга қарши маълум чораларни кўрмоғи лозим.

Ўзбекистоннинг иқлими континентал, иссиқ иқлимга кириб, ҳавонинг ўртача йиллик температураси нисбатан юқори бўлади. Қуёш радиациясн ва қуёшнинг иситиш даражаси — термик омил ҳам юқоридир. Бизда энг иссиқ давр июль — август ойлари бўлиб, бунда ҳавонинг температураси республикамиз шимолий қисмларида 40— 42, жанубида эса 46— 48 ва ҳатто 50 даражагача кўтарилиши мумкин. Бунда ҳавонинг намлиги ва шамолнинг тезлиги ниҳоятда камаяди.

Иссиқнинг соғ одам ва касал киши танасига таъсирини ва аъзолардаги бўладиган ўзгаришларни республикамизнинг атоқли олимлари И. А. Касирский, А. Ю. Юнусов, З. И. Умидова ва бошқалар ҳар томонлама текширганлар.

Маълумки, инсон ҳаётида кундалик модда алмашинуви катта аҳамиятга эга. Қабул қилинган овқатлар киши организмида турли реакцияларга кириб ёниши натижасида жуда катта иссиқлик — энергия пайдо бўлади. Бу иссиқлик ўз навбатида нафас йўллари орқали буғланиш, пешоб билан ва тана тери си орқали терлаш билан чиқиб кетади. Натижада инсон танаси совийди ва нормал ҳолатга келади. Демак, терлаш инсон учун муҳим омиллардан ҳисобланади.

Атроф-муҳитнинг ҳарорати қанчалик юқори бўлса, қон томирлар шунчалик кўпроқ кенгаяди. томир деворидаги жуда майда тешиклар катталашиб суюқликнинг қон томиридан ташқарига чиқиши осонлашади— терлаш кучаяди. Натижада аъзолардан иссиқликнинг ташқарига чиқиши кўпаяди. Шу билан бирга, аъзода овқат моддаларидан ҳосил бўладиган энергиянинг миқдори ҳам бир оз камаяди. Агар муҳит ҳарорати ниҳоятда юқори ва қуруқ бўлса киши танасидан чиқаётган иссиқликни, намликни ҳаво қабул қилмайди. Натижада киши аъзосининг қизиши, ниҳоятда иситиши — гипертермия юзага келади. Бунда албатта киши лоҳас тортади ва турли салбий ҳолатлар юз беради.

Шуни ҳам айтиш керакки, ёз фаслида ҳароратнинг кўтарилган даврида кучли терлашни ҳамма вақт фойдали деб бўлмайди, чунки ўта терлаш билан танадаги сув ва тузлар кўп чиқиб кетади. Натижада танадаги қоннинг суюқ қисми камаяди (нормада қоннинг 83 процентн сувдан иборат) ва қон қуюқлашиб унинг ёпишқоқлиги ортади, қоннинг томирлар ичидаги ҳаракати бирмунча секинлашади. Бу эса ўз навбатида юрак-томир системасининг ишини маълум даражада қийинлаштиради, юракнинг қисқариш сони аксарият ҳолларда ортади.

Аъзода туз миқдори камайганлигидан иштаҳа камаяди, киши дармонсизланади. Оқибатда кучли чанқаш белгилари пайдо бўлади. Бу ҳолатдан қутилиш учун албатта суюқлик ичилади. Умуман чанқаганда суюқликни оз-оздан, зарурилгга қараб ичиш лозим. Суюқликни ниҳоятда кўп ичиш яраймайди, чунки бу юракка оғирлик қилади, уни кучли ишлашга мажбур қилади. терлаш ҳам кўчаяди. Натижада инсон бўшашади, ҳолсизланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ташналикни босиш учун энг яхши ичимлик — чойдир. Чунки чой таркибидаги моддалар қонга сўрилганда ундаги эритроцитлар билан яхши бирикади ва узоқ вақт чанқоқ ҳолатини қондиради.

Ёз фаслида қон томирларининг кенгайиши, аъзодан суюқлик ва тузларнинг кўпроқ чиқиб кетиши ўз навбатида қон босимининг бир оз пасайишига сабабчи бўлади. Бу ҳол қон босими баланд (гипертония) касаллар учун анчагина енгиллик туғдиради, бу лар ўзларини анчагина дуруст сезадилар. Бундай касалларга ёз мавсумида қон босимини юмшатадиган сабзавот-мевалардан кўпроқ истеъмол қилиб туриш тавсия этилади. Масалан, укроп, петрушка, помидор, наъматак, дўлана, жилон жийда, қулупнай ва бошқалар. Қон босими касали ва умуман юрак касалликларининг аксарият ҳолларида республикамизда бундай ноҳуш белгилар юзага келмаслиги учун куннинг иссиқ пайтларида алоҳида режимда бўлишлари, ўзларини салқинга олишлари, уй хонасини салқин тутишлари лозим. Бундай касалларга витаминли овқатлардан ташқари қон босимини бир оз кўтариш учун аччиқ чой, гўштлик, ёғлиқ овқатлар, қанд, тоза асалларни кўпроқ истеъмол қилиш буюрилади.

Юракнинг ишемик касаллиги, стенокардия, миокард инфаркти ёз пайтида бир миқдор енгил ўтади. Аниқланишича, бу касалликлар бизнинг Ўзбекистон шароитида мамлакатимизнинг бошқа шимолий районларига нисбатан бирмунча камроқ учраб, ёз фаслида уларнинг ҳуружи ва кечиши енгилроқ бўлар экан. Лекин кардиологларнинг Бутуниттифоқ II съездида таъкидланишича, инфаркт касалини ўтказган кишилар денгиз сатҳидан 3 минг метр баландда салқин жойда ўзларини яхши ҳис қиладилар. Бундан уларнинг юрак гўштларининг кучи, иш қобилияти ортади ва касаллик унча ҳуруж қилмайди.

Саратоннинг иссиғи юракнинг бод (ревматизм) касалига ва унга яқин бўлган радикулит касалига анчагина мос бўлади. Шунинг учун бундай касалларга саратоннинг иссиқ кунларидан тўлароқ фойдаланиш тавсия этилади. Ота-боболаримиз ревматизм ва радикулитга дучор бўлганларга тепасига соябон тутган ҳолда вақти-вақти билан очиқ кўёш нуридан фойдаланиш; ҳатто оёқ ва таналарини қизиган қум ва тупроққа кўмиш тадбирларини тавсия қилганлар. Бу усул миқдорига қараб фойдаланган касаллар учун фойдалидир, албатта. Лекин шуни унутмаслик керакки, юқоридагидек даволаниш юрак етишмовчилик ҳолатларида уни оғирлатиши мумкин. яхшиси, врач маслаҳати билан даволаниш маъқул, акс ҳолда фойда ўрнига зарар бўлиши мумкин.

Юрак пороклари ва бошқа қон айланишининг етишмовчилиги билан кечадиган юрак касалликлари иссиқ фаслда ўзларини унча енгил сезмайдилар. Чунки куннинг иссиғи ўз навбатида қон айланишининг бир миқдор ўзгаришига сабабчи бўлади. Шу сабабли юрак пороги билан оғриган касаллар ёз пайтида ўзларини эҳтиёт тутишлари, овқат, ишлаш, яшаш режимларига тўла риоя қилишлари зарур. Кўп суюқлик ичишлик ва кўп терлаш булар учун фойдали ҳисобланмайди.

Ҳаёт учун энг муҳим бўлган юракни ҳар қандай шароитда ҳам назоратсиз, эътиборсиз қолдирманг, унга парваришни унутманг.

Исматулла ФАТҲУЛЛАЕВ,
медицина фанлари доктори, профессор.

КИТОБХОНЛАРНИНГ ИЛТИМОСИГА БИНОАН

Конимех район кутубхонасида Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» эсдаликларига бағишланган китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди. Конференция шу китоб хазинасидан мунтазам фойдаланувчи китобхонларнинг илтимосига биноан ўтказилди.

Конференцияда сўзга чиққан пахтакорлар, чорвадорлар, ўқитувчилар, врачлар совет халқининг уруш йилларидаги ва урушдан кейинги даврлардаги жанговар ва меҳнат жасоратларини яққол тасвирловчи асарларнинг қиммати эўр эканлигини таъкидладилар.

✦ ИЛМИЙ МУАССАСАЛАРДА

Институт ҳуқуқи берилди

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгашига мустақил илмий-тадқиқот институти ҳуқуқи берилди. Бу ташкилотнинг янги ҳуқуқи республика учун актуал бир қанча иқтисодий ва илмий-техникавий проблемаларнинг тадқиқотларини кенг ва чуқур кўламда ривож топтириш заруратидан келиб чиқди.

Коллектив статути ўзгартирилиши муносабати билан қоллективнинг тасдиқланган илмий фаолияти асосий йўналишлари орасида территориал ишлаб чиқариш комплекслари, саноат узеллари ва марказларини ривожлантириш ҳамда жойлаштириш илмий асосларини ишлаб чиқиш, кардош республикалар билан территориал ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истиқболларини ўрганиш, саноат-иқтисодий потенциалнинг ўсиш таъсири ҳамда ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг атроф-муҳитга таъсири прогнозларини ишлаб чиқиш вазифалари бор.

Шу йил илмий коллектив ўн битта катта илмий проблемани ишлаб чиқади, шулардан саккизтаси умумитгифоқ аҳамиятига эга. Коллектив зиммасига проблема-тематик пландан ташқари Сибирь дарёлари суви нинг бир қисмини Қозоғистон ва Ўрта Осиёга ташлашга тайёргарлик кўриш билан алоқадор катта кўламдаги илмий-тадқиқот ишлари ҳам юклатилган. Кенгашни мустақил илмий-тадқиқот муассасалари разрядига ўтказиш илмий ишлар сонини бир неча баравар кўпайтириш, тадқиқотларни ҳар томонлама ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради.

(ЎзТАГ).

Кўчкиларга ғов

Тошкентлик гляциологлар Байкал-Амур магистралининг лойиҳаловчиларига магистрални қор кўчкиларидан муҳофаза қилиш илмий тавсияларини топширдилар. Трассада уч йил олиб борилган изланишлар натижасида шу тавсиялар ишлаб чиқилди. Олимлар БАМнинг ҳамма участкаларида бўлиб кўчки хатарининг муфассал картасини тузиб чиқдилар. Улар магистрал ўтадиган баъзи районларда поездларни қор кўчкиларидан пухта ҳимоя қиладиган турли инженерлик иншоотларини йўл комплексига киритишни тавсия қиладилар. Мутахассислар хавф-хатар камроқ жойларда кузатиш станцияларини барпо этиш кифоя, деб ҳисоблайдилар.

Сибирь ва Узоқ Шарқ шароитларида кўчкиларни олдиндан айтиш методикаси ўтказилган тадқиқотларнинг амалий натижаси бўлди. Тошкентлик олимлар ясаган прибор ишини анча енгиллаштирди. Бу прибор қор оқимидан ер тебранишларини пайқаб, семафорга ва шлагбаумларга радиосигналлар беради, йўлнинг шу участкаларини ёпиб қўяди. Авария сигналларини берувчи бу қурилма Байкал-Амур магистралида синовдан ўтмоқда.



ПОЛИКЛИНИКА ОЧИЛДИ

Шўрчи районининг марказида янги тиш даволаш поликлиникаси очилди. Энг янги асбоб-ускуналар билан таъминланган шу шифохона район марказидан ташқари районларнинг аҳолисига хизмат қила олади.

Шўрчидаги поликлиника — бу йил Сурхондарё соғлиқни сақлаш тармоғига қўшилган учинчи катта медицина муассасасидир. Ҳозир область аҳолисига 800 дан зиёд турли медицина муассасаси даволаш профилактика ёрдами кўрсатиб турибди.

(ЎзТАГ).

Пойтахтимиздаги шаҳар онкология диспансери коллективи ўпкрак хирургияси бўлими мудири У. Исмоилов номини ҳурмат билан тилга олади. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки Ўктам Исмоилов шифокорлик санъатини, ҳамтарлиги билан ажралиб туради. Унинг қўлидан шифо топган беморлар билан суҳбатлашсангиз, моҳир хирургнинг қўли жуда енгил эканлигини тўлиб-тошиб гапиришади. Ун тўққиз йилдан бери инсон сиҳат-саломатлигини сақлаш йўлида жонбозлик кўрсатиб келаётган олий категорияли хирург, СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси Ўктам Исмоилов ҳунуматимизнинг юксак мукофоти — «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланган..

СУРАТДА: шаҳар онкология диспансери ўпкрак хирургияси бўлими мудири У. Исмоилов медицина ҳамшираларидан Ольга Булат, Бекойим Эсбулова ва Раиса Кобяковалар билан беморнинг ўпкрак қафаси тасвирланган рентген суратини кўздан кечирмоқда.

Ҳ. Шодиев фотоси.

ОЗОДАЛИК — СОҒЛИК ГАРОВИ

МУҲИМ МАВЗУДА

Собир Раҳимов районидаги Калинин номли маҳалланинг В. И. Ленин номли клубида «Халқ соғлиги — Ватан бойлиги» мавзуида врачлар ва меҳнат аҳли ўртасида савол-жавоб кечаси бўлиб ўтди. Бу кечага 4-шаҳар таносил юқумли касалликлари диспансерининг врачи Саъдулла Каримов, 4-шаҳар поликлиникасини н г ошқозон-ичак касалликлари бўйича врачи Насиба Абророва, 3-шаҳар сил касалликлари диспансерининг даволовчи врачи Отауллаева ва бошқа ўртоқлар қатнашиб, мароқли лекциялар ўқишди. Шифокорлар йиғилганларга ёзнинг иссиқ кунларида озиқ-овқатларни яхши сақлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, сабзавот ва меваларни ювиб ейиш, ошқозон-ичак хасталикларидан сақланиш, турар жой, ҳовли ва кўчаларнинг озода бўлишига алоҳида эътибор бериш ва бошқа масалаларда қимматли маслаҳатлар беришди.

Калинин номли маҳалла комитетининг раиси Тоҳир Олимов йиғилганлар номидан шифокорларга миннатдорчилик билдирди.

Т. НАЖМИЙ.

Газетхон саволларига жавоб

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

Б. РАЖАБОВ: Тасодиф туфайли киши лат еганда унга қандай қилиб биринчи ёрдам кўрсатиш керак?

Жавоб: Одам йиқилганда, зарб еганда одатда юмшоқ тўқималар шикастланади, айни вақтда кўпинча майда қон томирлари ёрилади, натижада бадан шишиб, қон талашади (кўкаради). Баданнинг лат еган жойидаги тери чақаланмаса ҳам, шишиб кизаради ёки тўқ қизил рангга киради, безиллаб туради. Бундай жойга аввало совуқ нарса босиш: ёзда бир парча тоза матони бир неча буклаб, совуқ сувга ҳўллаб ва пича сиқиб ташлаб лат еган жойга қўйиш керак. Латта исигач, яна совуқ сувга ҳўлланади. Қишда музли ёки қорли резина халта босилади.

Баданнинг лат еган қисмини кўтариб, тинч қўйиш керак. Оёқ шикастланганда оёқ тагига ёстиқ қўйиш, қўл шикастланганда эса рўмолча билан боғлаб, бўйинга осиш лозим.

Бош, кўкрак қафаси ва қорин лат еганда баъзан ички органлар зарарланиб, ичга қон кетиши мумкин.

Бош лат еганда (миясилкинганда ёки лат еганда) одам қисқа вақт ҳушдан кетади, боши оғрийди, айланади, кўсади.

Кўкрак қафаси лат еганда киши қон ташлаши, қийналиб, оғриқ билан нафас олиши мумкин.

Қорин қаттиқ лат еганда киши кўнгли айниб қусади, баъзан қорин қаттиқ оғрийди. Пешобда деярли ҳамиша қон пайдо бўлиши мумкин.

Бундай ҳолларда зарарланган кишини уринтирмасдан, жуда авайлаб, тезда касалхонага олиб бориш керак. Баданнинг лат еган жойини бармоқ билан пайпаслаш яраймайди, бу фақат оғриққа сабаб бўлади ва шикаст ҳақида ҳеч қандай фойдали маълумот бермайди.

* * *

А. ФОЗИЛОВ: Ичкиликнинг инсон саломатлигига келтирадиган зарарлари ҳақида кўп эшитганмиз. Хўш, алкоголнинг жигарга кўрсатадиган таъсири қандай? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Ичкиликдан зарарланишда марказий нерв системасидан кейинги иккинчи ўринда жигар туради. Алкоголь жигарга тушгач жигар тўқимасида деструктив ўзгаришларни пайдо қилади, бунинг натижасида жигар тўқималари ёғга айлана бошлайди (одатдаги жигар тўқималари ёғ тўқималарга айланади), кейинчалик эса унинг ўрнида бириктирувчи тўқимачандиқ пайдо бўлади. Организмга мунтазам равишда тушиб турадиган алкоголь таъсирида жигар бужмайиб қолади ва ҳажми кичраяди. Унинг силлиқ ва текис юзаси донадор бўлиб қолади, ранги эса тўқ қизилдан сариқ-занг рангга айланади. «Жигар циррози» деган ном ҳам шундан келиб чиққан, бу сўз грекчадан таржима қилганда «зангламаган» деган маънони билдиради.

Жигар циррозининг пайдо бўлиши қуйидагича изоҳланади. Жигар учта муҳим вазифани бажаради: биринчидан, ёғларни ҳазм қилиш учун зарур бўлган ўтни ажратади, иккинчидан, овқат билан бирга организмга тушадиган ёки овқат ҳазм қилиш процессида ҳосил бўладиган заҳарли моддаларни зарарсизлантиради, учинчидан, у ўзига хос қон депоси ҳисобланади. Унда оқсиллар — альбуминлар, глобулинлар, шунингдек қон ивишида муҳим роль ўйнайдиган фибриноген ва протромбин ҳосил бўлади. Ичкилик таъсирида жигарнинг ана шу муҳим функциялари бузилади ва оқибат натижада касаллик пайдо бўлади.

* * *

Ш. КАРИМОВА: Ҳурматли редакция! Минерал сувларнинг фойдали томонлари ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

Жавоб: Минерал сувлар келиб чиқишига кўра табиий ва сунъий сувларга бўлинади. Химиявий нуқтан назардан уларнинг барчаси тузлар ва газларнинг сувдаги эритмаси ҳисобланади. Табиий минерал сувларга ҳамма яхши биладиган боржоми, нарзан, ессентуки, москва минерал суви ва бошқалар; сунъийсига содали сув, «сельтерский» ва бошқалар киради. Уларни ичганда тузларнинг муражжаб комбинациясини (натрий, калий, темир, магний ва бошқаларнинг тузлари) тутган минерал сувлар ташналикни қондирадиган ичимлик эмаслигини доимо эсда тутиш керак. Минерал сувлар шифобахш воситалардир, уларни ҳар қандай бошқа дори сингари фақат врач кўрсатмаси билангина ичиш лозим. Минерал тузлар организм учун сув каби зарур. Уларнинг ҳар бири қатъий бир маълум физиологик ролни ўйнайди.

Т. НАЖМИЙ.



Украинанинг Николаев областидаги «Катеринка» ўрмон хўжалиги табиат дунёсига бой бўлган қўриқхоналар қаторига ўтиб бормоқда. Хўжалик ташкил бўлганига 30 йил тўлганидан буён бу ерда ҳайвонот дунёсининг миқдори кўпайди. Ўрмон хўжалигида 33 хил парранда мавжуд.

СУРАТДА: ана шу ўрмон хўжалиги — қўриқхона лавҳаси.

ТАСС фотохроникаси.

ШАҲРИМИЗ МУЗЕЙЛАРИ БЎЙЛАБ

ЯНГИ МАВЗУ—ЯНГИ КЎРГАЗМАЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи кўргазмалар залларида бўлган санъат ихлосмандлари ССР халқларининг энг нодир санъат асарлари билан яқиндан танишадилар. Бу ерда, совет адабиёти ва карикатура санъатининг илк намоёндаларидан В. В. Маяковскийнинг дастлабки карикатуралари ва СССР халқ рассоми Ўрол Тансиқбоевнинг сўнгги, энг дилбар асари — «Менинг қўшиғим»гача, антик дунё санъатининг энг нодир намуналаридан токи куни кеча Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлган истеъдодли ёш рассом Жавлон Умарбековнинг сара асарларигача музей кўргазмаларидан ўрин олган.

БУГУН

санъат музейининг ижодий коллективи мактаблар ва пионер лагерлари қатнашчилари— ёш санъат ихлосмандларини назарда тутиб, 5-10-синф ўқувчиларига мўлжалланган янги тематик экскурсияларни тайёрлашга киришди. Бу тематик экскурсиялар, асосан, «Ўрта Осиё халқлари ўймакорлик ва амалий санъати», «Ўзбекистон тасвирий санъати», «XV — XX аср рус санъати», «XIV—XVI аср» Ғарбий Европа санъатн», «Шарқ мамлакатлари санъатн» мавзуларида ўтказилади.

Ўрта Осиё халқлари санъати ҳақида ҳикоя қиладиган лекциялар, айниқса, кўргазмаларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу ерда мунтазам «Ўзбекистон қадимий-маданий ёдгорликлари» кўргазмаси намойиш этилмоқда. Кўргазмадан Варахшадан (Бухоро области) топилган ажойиб манзара асари ҳам ўрин олган. Унда, фил, овчи ва қоплон акс эттирилган.

Ўрта Осиё халқ ўймакорлик ва амалий санъати!.. Ганчкорлик, ўймакорлик санъати, ўзбек халқи ҳаётида етакчи ўрин тутади. Бунга биргина академик-ганчкор уста Ширин Муродов асарлари ҳам ёрқин мисол бўла олади. Шунингдек XVIII— XX асрда Самарқанд, Бухоро ва Маргилонда яшаб ўтган машҳур ганчкорлар асарлари бу ерда намойиш этилмоқда. Марҳум Уста ота Полвоновнинг устун ва ўймакор эшиги кўргазмага кўрк бағишлаб турибди. Бу асарлар 1937 йили Парижда ўтказилган жаҳон халқлари амалий санъати кўргазмасининг олтин медали билан тақдирланган эди.

Мана, бу нафис устунда Ўзбекистон пахтаси акс эттирилган. Асарда миллий руҳ аён сезилиб турибди. Уни ёш, истеъдодли уста Ортиқ Файзуллаев яратган.

«Ўзбекистон тасвирий санъати бўлими эса моҳият-эътибори билан иккига бўлинади. Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган ва революциядан кейинги тасвирий санъат. Инқилобгача яратилган тасвирий санъатнинг энг саралари Р. К. Зоммер, И. С. Казаков, К. С. Мишинларнинг мўйқаламига мансуб бўлган.

Бўлимда намойиш этилаётган асарлар ичида ўзига хос чиройли, бетакрорлиги билан СССР халқ рассоми Ўрол Тансиқбоевнинг «Ўзбекистонда март», «Иссиққўл оқшоми». «Менинг қўшиғим» асарлари томошабин эътиборини тортади.

«Рус санъати бўлими» сермазмун ноёб асарларга бойлиги билан ажралиб туради.

Мана, кўз ўнгимизда оппоқ мармардан силлиқ ишланган нафис ҳайкалчалар. Остига «Венера Дельфин билан» деб битиб қўйилган. Эрамиздан олдинги III асрга оид бу асар антик дунё мероси бўлиб, табиийки, Ғарбий Европа санъати бўлимига хос. Бу ерда Ўйгониш даврининг машҳур италиялик рассомлари П. Веронезанинг «Исонинг азаси», Ж. Сальвиннинг «Биби Марям» асарлари муносиб ўрин олган.

«Шарқий мамлакатлар санъати» экспозициялари асосан, Ҳиндистон, Япония халқлари санъати намуналари билан яқиндан таништиради. Ҳинд халқи маданий обидалари санъат ихлосмандларида чуқур таассурот қолдиради. Бу ерда ҳинд гилямдўзлари яратган «Кашмир гилами», ранго-ранг сарилар, хилма-хил музика асбоблари, лойдан ясалган миниатюра расмлар, Тожмаҳал масжидининг митти макети, ҳинд ҳудоларининг ҳайкалчалари ўрин олган.

Япон санъаткорлари яратган— фил суягидан ишланган ҳайкалчалар, «Хотей ҳайкали» асарлари бежиримлиги ва нафислиги билан кишини ҳайратга солади.

Шу кунларда музей залларида янги тематик экскурсияларга ҳозирлик қизғин бормоқда. Экскурсия кунлари музей залларида қирқ минтга яқин экспонат намойиш этилиши кўзда тутилган. Ҳеч шубҳа йўққи, бу асарлар ёш томошабинларга кенг билим беради, уларда чуқур таассурот қолдиради.

Ғ. ХОТАМОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет. оқшоми

12 ИЮЛЬ, 1978 й.

КИНО

12 ИЮЛДА

КИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Шум бола (18.30).

Жандарм уйланади — «ЧАЙКА» (17.30, 19, 20.30, 21.00), «МОСКВА» (17.45, 19.30, 21.15), «ВОСТОК» (18, 20, 21.30), «НУКУС» (ток соатларда).

Восгоччини ўлдир — «ДРУЖБА» (17, 20.00).

Тақдир тухфаси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Жандарм уйланади — «ФЕСТИВАЛЬ».

Олийжаноб мурдалар — «ХИВА».

13 ИЮЛДА

КИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Шум бола (18.30).

Жандарм уйланади — «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14, 16, 17.30, 19, 20.30, 21.00), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.45, 19.30, 21.15), «ВОСТОК» (10, 13, 12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «НУКУС» (ток соатларда).

Восгоччини ўлдир — «ДРУЖБА» (11, 14, 17, 20.00).

Муҳаббат учун имконият — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Жандарм уйланади — «ФЕСТИВАЛЬ».

Олийжаноб мурдалар — «ХИВА».

Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси

чекланмаган миқдорда гувоҳномалар, зачёт дафтарчалари, номерли ва номерсиз пропускаларни буюртмачи ва тайёрлаб берувчи материалидан бажариб бериш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: 700129, — Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Телефонлар 44-14-60, 44-63-37.

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИНГ БИРЛАШГАН ХЎЖАЛИГИ

3-класс шофёрларини тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР — 1 АВГУСТДАН БОШЛАНАДИ.

Ҳар ойда 45 сўмдан стипендия берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Тўйғун кучаси, кадрлар бўлими.

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

А. Дюманинг «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО», В. Шишковнинг «УГРЮМ-РЕКА», Н. Гарин-Михайловскийнинг «ДЕТСТВО ТЕМЫ, ИНЖЕНЕРЫ, СТУДЕНТЫ» китобларини олиш учун берилган абонементлар муддати

1 ОКТЯБРГАЧА УЗАЙТИРИЛАДИ

Р. Стивенсоннинг «ОСТРОВ СОКРОВИЩ, ПОХИЩЕННЫЙ», К. Паустовскийнинг «ИЗБРАННОЕ», Г. Данилевскийнинг «МИРОВИЧ, СОЖЕННАЯ МОСКВА, КНЯЖНА ТАРАКАНОВА», А. Дюманинг «ДВАДЦАТЬ ЛЕТ СПУСТЯ», Я. Гашекнинг «ПОХОЖДЕНИЯ БРАВОГА СОЛДАТА ШВЕЙКА» тўртинчи чиқарилиш китоблари тўлиқ талонлар тўплами абонементи бўйича ёки ҳар бир том учун 20 килограмм макулатура ҳисобидан абонементсиз талонларга

1 АВГУСТГАЧА СОТИЛАДИ

«ТАШКНИГА».

«Союзузбекгаз» трестининг хўжалик ҳисобидаги участкасига ёнилги-мойлаш материаллари талонларини олиш учун берилган йўқолган

УЧБУРЧАКЛИ ШТАМП БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Союзузбекгаз» трестининг хўжалик ҳисобидаги участкасига йўл варақаси учун берилган йўқолган

ШТАМП БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети
Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи қошидаги

135-ЎРТА МАХСУС ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди:

Узоқ масофаларга юрувчи пассажир вагонлари учун проводниклар. Еши 17 яримга тўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Етоқхона билан таъминланмайдилар. Ўқиш муддати — 1 йил.

Қуйидаги ихтисослик бўйича 15 ва ундан катта ёшдаги 8-синф ҳажмида маълумоти булган йигитлар қабул қилинади. машинист ердамчилари, тепловознинг механик қисмн бўйича слесарлар, тепловознинг электр қисмини ремонт қилувчи слесарлар саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, совутиш ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, дурадгорлар. Ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процента билан таъминланадилар.

Уч йиллик таълим группасида ўқиган ўқувчиларга мутахассислиги бўйича диплом ва ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома берилади.

Билим юртини аъло баҳо билан тамомлаганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.

Ўқиш даври узлуксиз иш стажига хисобланади.

Билим юртини тамомлаганлар темир йўл хизматчиларига бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланадилар, жуми ттти-фокимизнинг барча пунктларига текин темир йўл билети билан таъминланадилар.

Билим юрти директори номига езилган аризага қуйидагилар қўшиб топширилади. тугилганлиги тўғрисида гувоҳнома маълумоти (ақидаги ҳужжат мактабдан характеристика, справка лар медицина, турар жойидан ота-онасининг иш жойидан 6 та фотосурат (3х4 см).

Аризалар хар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Червяков кўчаси, 12-уй (5, 12-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон: 91-14-07

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

МАЗАЛИ, ТЎЙИМЛИ

Республика озиқ-овқат саноати корхоналарида таомларга ишлатиладиган ловия ёғининг икки хилини ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди: бу ёғлар биринчи сортли бўлиб, доғлаб ва химиявий усулда ишланган намуналаридир.



Ловия ёғи кишининг организмида яхши ҳазм бўлади. У давлат стандартининг барча талабларига жавоб беради. Бунинг таркибида қимматли табиий моддалар: фосфорийлар фосфори, углеводлар, полисахаридлар, витаминлар, органик кислоталар, аминокислоталар бор.

Ловия ёғи биологик таркибининг ёғлилиги ва тўйимлилиги билан бошқа ўсимлик ёғлари, шу жумладан, пахта ёғига нисбатан анча тўйимлидир.


Бу ёғларни исталган таомларни тайёрлашда, юқори сифатли ранг-баранг маргаринларни, ошхона ёғлари ва майонезларни тайёрлашда ишлатиш мумкин, ана шу ёғда энг тўйимли палов тайёрласа бўлади.

Ловия ёғи чакана савдо учун қадоқланган ва қадоқланмаган ҳолда чиқарилмоқда.

Тошкент ва Фарғона ёғ-мой комбинатида ярим литрли шиша идишларга доғланган ёғлар қуйиб чиқарилмоқда.

«УЗРАСЖИРМАСЛОПРОМ».

ҲАВАСКОР ЧЕВАРЛАР УЧУН



Ҳозирги мавсумнинг кийим-кечаклари газламалари йўл-йўлли, жим-жимали бўлишини тақозо этади. Улар ўзининг жозибаси билан ҳар бир кишига улгуворлик, хушбичимлилик бахш этади. Кўкрак бурма, яхлит бичимли, енгсиз, «капалак иусха» қилиб тикилган кийимлар модага жавоб беради. Бундан ташқари кичик жим-жимали безаклар ҳам кийимларнинг умумий композициясини бойитишда роль ўйнади.

Агарда сиз чеварликнинг удласидан чиқиб, ўзингизнинг дизингизга мавзур бўладиган кўйлаклар тикиш тараддудида бўлсангиз, батистдан блузка, чит штапел ёки сунъий шойидан кўйлак тикиб уларни тўр ўқалар билан безаклашингизни маслаҳат берамиз.

Бу қўшимчалар кийимларга гўзаллик бахш этса, газламаларнинг ўзи кўйлакларни енгил, майин қилади.

Тўр ўқаларни магазинларнинг галантерея бўлимларидан сотиб олишингизни маслаҳат берамиз.

Капронли тўр ўқаларнинг баҳоси ўртача 20 процент арзонлаштирилганлигини ҳам эслатиб ўтамиз.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА!

«УЗОПТГАЛАНТЕРЕЯ» республика базасида Ленинграддаги «НОВОСТЬ» бирлашмасида ишлаб чиқарилган исталган гулли ва энликда турли бўлган капронли тўр ўқаларнинг жуда катта миқдори бор.

«УЗОПТГАЛАНТЕРЕЯ» республика улгуржи базаси.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

Сотувчилик касби ҳамма вақт инсонларга керак бўлган. Прилавкада ишлаш — ҳар минутда кишилар билан муносабатда бўлиш, уларга малакали хизмат кўрсатиш, мулойим ва хушфеъл муносабатда бўлиш керак. Сотувчиликнинг энг яхши фазилати ана шундан иборат. Энг яхши сотувчи мол ҳақида харидорга характеристика беради, янгиликлар билан қизиқтиради, унинг афзалликлари ҳақида гапириб беради, энг керакли буюмни сотиб олишга ишонтира олади.

БУГУНГИ КУНДА БИЗ ЕШЛАРГА МУРОЖААТ ЭТАМИЗ!

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!



«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ РЕСПУБЛИКАДАГИ ЭНГ ЙИРИК БИЛИМ ЎЧОҚЛАРИДАН БИРИДИР. У 10 ЙИЛДАН БУЁН ИШЛАБ КЕЛМОҚДА. АНА ШУ ВАҚТ ИЧИДА ЎЗИНИНГ ЖУДА КЎП ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИГА ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА БЕРДИ.

ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА БЕРАДИ

«Шуҳрат»— СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг дипломантидир.

Кадрларни аъло даражада тайёрлаганлиги учун «Шуҳрат» Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва шаҳар савдо Бош бошқармасининг ёрлиқлари билан мукофотланган.

«Шуҳрат» савдо корхонаси ҳузуридаги меҳнат мактабидир. Бу ерда машғулотларни тажрибали ўқитувчилар олиб боришади. 3 ойга мўлжалланган назарий курс товаршуносликнинг асослари, эстетика, этика, психология, совет ва меҳнат ҳуқуқи асослари ва бошқа дарслардан иборат. Назарий курслар тугаганидан кейин бевосита мактабнинг ўзида мураббийлар — катта сотувчилар, ишлаб чиқариш таълими мастерлари раҳбарлигида уч ойлик амалий практика ўтказилади. Ўқувчилар бу ерда магазинда ишлаш учун керакли меҳнат маҳоратини ва иш тажрибасини ўрганадилар.

«Шуҳрат» мактаб-магазинининг синфлари ўқув-кўргазмалари ва савдо-технология ускуналари билан жиҳозланган, бу ерда энг янги классли электрон-ҳисоблаш аппаратлари бор. Ўқувчилар савдонинг энг илғор усули — ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида ишлашга ўргатилади. Савдонинг бу усули харидорларнинг ҳурматига сазовор бўлган.

ЎҚУВЧИЛАР МАКТАБНИ БИТИРГАНЛАРИДАН КЕЙИН СОТУВЧИ-КОНТРОЛЁР — КАССИР ИХТИСОСЛИГИНИ ОЛАДИЛАР.

Мактаб-магазин маъмурияти ўқувчиларнинг ўрта ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришга бўлган истакларини қўллаб-қувватлайди. Ўқувчилар Тошкент Совет савдо техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимларига, кейинчалик эса Совет савдоси институтига киришни истасалар, уларга имтиёзли шароитда имконият тавсия этилади. «Шуҳрат» мактаб-магазинининг кўпгина битирувчилари ўзларининг меҳнат фаолиятини кичик сотувчиликдан бошлашган бўлиб, эндиликда, товаршунослар, инспекторлар, секцияларнинг мудирлари, магазинларнинг директорлари бўлиб ишлашмоқда.

«Шуҳрат» мактаб-магазинини битирганлар шаҳарнинг барча саноат моллари магазинларида — шу жумладан ГУМ, ЦУМ, «Чилонзор» савдо маркази, Фрунзе савдо марказида ва бошқа жойларда ишлашмоқда.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА 16 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

ЎҚУВЧИЛАРГА 52 СЎМДАН 63 СЎМГАЧА СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун: ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ёки 8 синфни битирганлиги ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, мактабдан ёки сўнгги иш жойидан характеристика (бор бўлса — меҳнат дафтарчаси), турар жойидан справка, 2 та фотосурат (6х9 см) керак.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 11-квартал, 2-уй, «Шуҳрат» мактаб-магазини. Телефон: 76-27-66.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ «УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги
ТОШКЕНТ ПОЛИГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

1978—79 ўқув йилининг
КУНДУЗГИ БЎЛИМИГА

Ўрта ва тўлиқсиз ўрта мактабни тугатганларни
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Полиграфия машиналари ва ускуналари, юқори босма технологияси, бирлашма ва муқовалаш саноати технологияси, китоб товаршунослиги, полиграфия саноати корхоналарида планлаштириш, иш юритишни ташкил қилиш.

8-синфни «4» ва «5» баҳолар билан якунлаганлар китоб товаршунослиги мутахассислигига (ўзбек группаси) кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

АРИЗАЛАР 8-СИНФНИ БИТИРГАНЛАРДАН 31 ИЮЛГАЧА. ЎРТА МАКТАБНИ БИТИРГАНЛАРДАН 14 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Қабул қилиш тартиби — барча техникумлар учун умумийдир.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 40 «а»-уй (7, 8, 11, 16-трамвайлар, 1, 2, 4, 6, 7, 8, 14, 18-троллейбуслар, 14, 28, 42, 43, 64, 65, 76, 100-автобусларда борилади). Телефон 44-64-54.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника бўйича давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 2-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ ҚОШИДАГИ

149-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ: пойафзал деталини бичувчи, кесувчи, пойафзал юзасини тайёрловчи, пойафзал фрезерчиси, пойафзал затяжкачиси, контролер, слесарь-ремонтчи, пойафзал тагидаги деталларни мустаҳкамловчи, электромонтёр.

Ўқиш муддати— 1 ва 2 йил.

Билим юртига 8— 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби бор. Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи ва у ердаги туризм, спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртига қабул қилинган ўрта маълумотли ўқувчиларга 30 сўм стипендия берилади. 8-синф ҳажмида маълумотлилар эса тўла давлат таъминотида бўладилар (уч маҳал овқат ва кийим бош). ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида ишланган иш ҳақининг 50 процента тўланади.

Билим юртини битирганлар Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида ишлайдилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари керак: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, саломатлиги ҳақида справка, 6 та фотосурат (3х4 см). Ўқиш жойидан характеристика.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Гавҳар кўчаси, 124-уй.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

12 ИЮЛЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Горичлар, қаердасиз!». 18.30 Янгиликлар. 18.45 Қишлоқ ишлар ва муаммолар». 19.05 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси эстрада-симфоник оркестрининг концерти. 19.35 «Тинин билмас кишилар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.35 «Спортлото» тиражи. 20.45 «Қўшниларимиз» туркумидан А. Розанов. «Энг қисқа масофа». Телевизион спектакль премьераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Телевизион ҳужжатли фильм. 22.20 П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс лауреатларининг концерти. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Бешинчи меҳнат чораги тўлқинларида» (рус.). 18.30 «Фан» программаси. 19.00 РСДРП II съезднинг 75 йиллигига. «РСДРП II съезднни тайёрлашда «Искра» газетасининг роли». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ижод гулшани». Телевизион журнал. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Операнинг еш солистлари». Талъат Баҳромов. 21.20 «Ғурумсарой камалаги» Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Қишлоқ қурилиши». 22.15 «Бир йигит ҳаетидан тўрт саҳифа». Бадиий фильм. 23.35 Аёллар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР кубоги учун «Меҳнат» спорт базасидан репортаж (ёзиб олинган). 00.05 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Коперник». Бадиий фильм. 2-серия (рус.). 20.05 Тошкент янгиликлари. 20.25 «Дирижерлар». Телевизион фильм-концерт. 20.50 «Тошкент». Телепрограммаси. 21.20 Абитуриентлар учун. Физика.

13 ИЮЛЬ —ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Горичлар, қаердасиз!». 10.25 «Қўшниларимиз» туркумидан А. Розанов. «Энг қисқа масофа». Телевизион спектакль. 11.10 ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театри хори ва оркестрининг концерти. 11.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.00 «Ироқ бўйлаб» Кинопрограмма. 15.30 «Рус тили». 16.00 «Музей ва кўргазма залларн бўйлаб». А. С. Пушкин номли Давлат тасвирий санъат музейи. «Франция живописи. Импрессионистлар санъати». 16.30 Э. Оганесян. Симфония. Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг Катта симфоник оркестри чалади.

17.05 «Сунгги дюйм». Бадиий фильм. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Мультфильм. 18.55 «Фан оламида». 19.25 РСФСР ҳалқ артисти П. Нечепоренко концерти (балалайка). 20.00 РСДРП II съезднинг 75 йиллигига. «Исёнкор застава». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Жаҳон чемпиони Анатолий Карпов». 22.45 ССР ҳалқ артисти И. С. Козловский ижросида рус композиторларининг романслари. 23.25 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим— фахрим». 18.30 «Жанговар постда» 19.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Сельская жизнь». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Н. Нарзуллаев «Юракларда енар тиниқлар». Адабий. музикали композиция. 20.10 «Сароб ўрмидаги шаҳар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 А. Навоий номли Давлат академик Катта театри солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси 22.00 РСДРП II съезднинг 75 йиллигига. «Аср бошида» Бадиий фильм. 23.25 Аёллар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР кубоги учун. «Меҳнат» спорт базасидан репортаж (ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўратувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм «Таня ва икки мушкетёр». 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 «Красная». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.45 Реклама. 21.00 «Шаҳримиз озода ва гўзал бўлиши учун» (рус.) 21.25 Абитуриентлар учун. Физика (рус.).

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг Тошкент шаҳар электр гармоқдари корхонаси коллективи корхона директори А. А. Шамсиевга рафиқаси

Маҳфуза АЗИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 стр. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 12 ИЮЛЬ, 1978 г.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП. Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85 хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42

Р. 03449. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64379. Натр Д—1355.